

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Абдувалиев Жамшид Равшан ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 315-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17810608>

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг босқинчилик жиноятларининг махсус профилактикаси тушунчаси, чора-тадбирлари, босқинчилик жиноятининг статистикаси, хориж тажрибаси ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, босқинчилик, босқинчилик жинояти, махсус профилактика, чора-тадбирлар.

Аннотация: В данной статье рассматриваются понятие специальной профилактики бандитизма инспектором по профилактике, меры, статистика бандитизма, зарубежный опыт и предложения и рекомендации по совершенствованию.

Ключевые слова: инспектор по профилактике, разбой, разбойное преступление, специальная профилактика, меры.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда айниқса оғир жиноят ҳисобланган босқинчилик жиноятини олдини олиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йилнинг 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида босқинчилик ва талончилик жиноятларига тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Айни вақтда тинчлик ва осойишталик, жамоат хавфсизлигини бузишга уринаётган ҳар қандай шахсларга нисбатан қонун доирасида қатъий чоралар кўрилиши, “Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган

қоидани амалда таъминлаш учун куч ва имкониятлар етарли”¹ деб таъкидлаган эдилар.

Ўзганинг мулкани эгаллаш мақсадида босқинчилик ёки талон-чилик йўли билан зўрлик ишлатиб эгаллаш каби жиноятлар кўчада содир этилади. Мазкур жиноятларнинг 83% шаҳарлар ва шаҳарча-ларнинг кўчаларида содир этилган. Тадқиқотлар зўрлик ишлатиш йўли билан амалга ошириладиган талончилик ҳамда босқинчилик жиноятлари асосан жамоат жойларида, чунончи: кўчаларда (39,5%), корхоналар ҳудудида (5%), давлат, жамоат, ҳар хил тадбиркорлик ташкилотлари ва муассасаларида (19%), автотураргоҳлар, вокзаллар, аэропортда (3,9%), хиёбонлар, боғларда (8%), бозорларда (2,5%), уйлар, оилавий, ёшлар ва ишчиларнинг умумий ётоқхоналарида (18%), бошқа жойларда (кафе, ресторанлар, поезд вагонлари, барлар, гаражлар, ҳожатхоналарда 4,1%) содир этилишини кўрсатмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда фаолият ошкоралигини ва жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилди.

Ҳуқуқий тартибот ҳар қандай давлатда иқтисодий фаровонлик ва сиёсий ҳуқуқий барқарорликка эришишдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айнан қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш орқали давлат ўз функцияларини самарали бажариб, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлайди ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлайди. Профилактика инспекторлари босқинчилик жиноятларининг махсус профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқий тартиботнинг ўрни катта.

Мулкка тажовузнинг оғир шаклларида бири босқинчиликдир. Босқинчилик жамият хавфсизлигига сезиларли даражада таъсир ўтказади. Бу эса ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, хусусан, босқинчилик жиноятларининг самарали профилактик чора-тадбирлари, усул ва шакллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этилишини тақозо этади.

Ҳарас мақсадларда, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар орасида, босқинчилик ўзининг ижтимоий хавфлилиги даражаси юқорилиги

¹ Шавкат Мирзиёев: Президент: Оғизбирчилигимизни асраб-авайлаш, тинчлик ва барқарорлик муҳитини сақлаш – барчамизнинг бурчимиздир. <https://president.uz/uz/lists/view/5305>.



билан ажралиб туради ва жамият хавфсизлиги, тинчлигига раҳна солувчи ижтимоий ҳавфи катта бўлган салбий ижтимоий иллатлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддасида босқинчилик жиноятининг тушунчаси берилган бўлиб, унда ўзганинг мол-мулкни талонторож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёти ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган тажовуз босқинчилик дейилган.

Маълумотларга кўра, босқинчилик ёки талончилик ниятида зўрлик ишлатиш ҳолларининг 13% – соат 00 дан 09 гача, 10% – 09 дан 15 гача, 21% – 15 дан 19 гача, 30% – 19 дан 22 гача, 27% – 22дан 24 гача содир этилган. Хулоса қилиб айтганда, кўрсатиб ўтилган жиноятларнинг аксарияти (69%) кечқурун ва тунда, кўпинча соат 18.00 дан 24.00 гача содир этилади².

Тадқиқотларимиз натижасига кўра, жами ҳолатларнинг 59% ида руҳий зўрлик, яъни зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, 38% ида – жисмоний зўрлик ишлатилган ва фақат 3% ида жиноятчи жабр-ланувчининг мулкни алдов йўли билан, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатмасдан эгаллаган. Бу жиноятларнинг ҳар иккитасидан бирида жиноятчилар оғзаки дўқ-пўписани ўқотар, совуқ қурол ёки қурол ўрнида ишлатилган бошқа нарсани кўрсатиш орқали мустаҳкамлаган³.

Жиноятчилар ишлатган жисмоний зўрлик хусусияти ҳар хил: қўл билан уриш, тепкилаш, болта, пичоқ, темир занжир ва бошқа нарсалар билан зарба бериш, ўқотар қурол ишлатиш ва ҳ.к. Аксарият ҳолларда жисмоний зўрлик қўрқитиш жиноятчилар кутган натижани бермаганидан кейин ишлатилган.

Мулкка тажовузнинг оғир шаклларида бири босқинчиликдир. Босқинчилик жамият хавфсизлигига сезиларли даражада таъсир ўтказади. Бу эса ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, хусусан, босқинчилик жиноятларининг самарали профилактик чора-тадбирлари, усул ва шакллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этилишини тақозо этади. Ғараз мақсадларда, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар орасида, босқинчилик ўзининг ижтимоий хавfliлиги даражаси юқорилиги билан ажралиб туради ва жамият хавфсизлиги, тинчлигига

² Б.Б.Муродов. “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанидан ўқув дастури. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. Б.24

³ Ш.Ш.Суюнов. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлашдаги аҳамияти. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Республика илмий-амалий конференцияси.



рахна солувчи ижтимоий хавфи катта бўлган салбий ижтимоий иллатлардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда мазкур моделга ўхшаш, миллий тизимга мослаштирилган шакли босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сонли “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида “Хавфсиз шаҳар” ягона интеграциялашган тизимини яратиш ва ривожлантириш концепцияси доирасида маҳаллалар ҳудудида тунги ёритқичлар ва кузатув камералари ҳамда сунъий интеллект билан ишловчи махсус дастурий таъминот билан тўлиқ қамраб олиниши белгиланди⁴.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 24-моддасида Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ва уни амалга ошириш асослари белгиланган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасидир⁵.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши⁶.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 25-моддсида илгари судланган шахслар ўртасида

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сонли “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида қароридан. <https://lex.uz/docs/7330260>.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2024 йил “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2024 йил “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.



ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари белгиланган.

Безорилик жиноятини содир этган илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкинлиги белгиланган⁷.

Илғор хорижий давлатлар, жумладан АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия ва Сингапур тажрибалари шуни тасдиқлайдики, босқинчилик жиноятларига қарши кураш фақат жазо чораларини кучайтириш билан эмас, балки профилактик сиёсатни илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш орқали юқори натижа беради. Масалан, жиноятларни, хусусан, босқинчилик жиноятларининг профилактика қилишнинг “hotspot policing”, “community policing”, “environmental crime prevention” ва “focused deterrence” каби моделлар ўз самарадорлигини амалда исботлаган.

Ўрганиш натижаларига кўра, босқинчилик жиноятлари қуйидаги сабаб ва шартшароитлар таъсири остида содир этилади: а) ҳуқуқий онг ва

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2024 йил “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.



маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, мақтанчоқлиги (уй-жойи, мол-мулки ва унинг миқдори ҳақида мақтаниш); б) оила шароитида, иш, ўқиш ва яшаш жойларида ғаразли мақсадларнинг шаклланиши; в) молпарастлик, мол-дунёга ўчлик, тезроқ бойишга иштиёқ ва очкўзликнинг мавжудлиги; г) жамиятдаги ижтимоий-маънавий камчиликлар; д) тарбиявий ишларнинг талаб даражасида эмаслиги ва х.к. жиноят содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этишга етарлича аҳамият беришмаяпти. Бунга сабаб сифатида: ишлаб чиқилган тадбир доираси етарли даражада кенг тармоқли эмаслиги, тадбирга кенг соҳавий хизматлар иштироки доирасининг таъминланмаганлиги, жиноят содир этишга уринаётган шахсларнинг бу йўлдан қайтаришга қаратилган ҳаракатларнинг тадбир режасига киритилмаганлиги каби ҳолатларни айтиб ўтишимиз мумкин. Таклиф сифатида амалга оширилаётган тадбирлар доирасини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида юқоридаги вазифаларни ҳам режа доирасига киритиш лозим.

Бунинг учун эса қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш, яъни тадбир доирасидаги режага қуйидаги вазифаларни амалга ошириш : Профилактика хизматлари ходимлари томонидан босқинчилик жиноятини содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифасини аниқлаш рўйхатини юритиш ва профилактик ишлар олиб бориш; Тезкор-қидирув хизматлари томонидан бу турдаги жиноятларни содир этиб, жавобгарликдан қўчиб юрган шахсларнинг ялпи қидирувини ташкил этиш ва ушлаш чораларини кўриш;

Тергов хизматлари томонидан тезкор-қидирув натижасида тезкор-қидирувларни тергов қилиш жараёнида уларни содир этган жиноятини бўйнига қўйиш ва қонун олдида жавобгарлигини таъминлаш билан бир қаторда жиноятга имкон берган, шароит яратиб берган ва содир этишга ундаган омилларни асосий вазифалардан бири сифатида аниқ равишда белгилаш, бартараф этиш юзасидан профилактика хизматларига топшириқ ва кўрсатма бериш; Босқинчилик жиноятини содир этиб, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, пробация ходимлари томонидан бу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ҳамда шарт- шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга оширади; Бу тадбир давомида босқинчиликка оид ҳуқуқбузарликларни содир этган ва ЖИЭМдан озод этилган шахсларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этилган махсус комиссиялар билан

ҳамкорликда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш ёки жазолаш тўғрисида тақдимнома ва таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак профилактика инспекторининг босқинчилик жиноятларининг махсус профилактикасини самарали амалга ошириши маҳалласида жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Профилактика инспекторлари ҳар бири маҳалласида босқинчилик жиноятини содир этиши мумкин бўлган шахслар билан махсус профилактика чора-тадбирларини кучайтириш керак. Шунда ўзининг вазифасини тўлиқ бажарган бўлади. Бу эса фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиб давлатимиздан рози бўлишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Шавкат Мирзиёев: Президент: Оғизбирчилигимизни асраб-авайлаш, тинчлик ва барқарорлик муҳитини сақлаш – барчамизнинг бурчимиздир. <https://president.uz/uz/lists/view/5305>.
- 2.Б.Б.Муродов. “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанидан ўқув дастури. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. Б.24
- 3.Ш.Ш.Суюнов. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлашдаги аҳамияти. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Республика илмий-амалий конференцияси.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сонли “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида қароридан. <https://lex.uz/docs/7330260>.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2024 йил “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.
- 6.Bobur, Mustofaqulov, Asror o'g'li, Niyatullo Jahongir o'g'li Ahmadqulov. "muhim siyosatdan kasallik inspektorlarini oldini olish". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62.
- 7.Мустофақулов Б. А. Ў., Сирожиддинов И. Р. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of



Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 52-56..

8.Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov."muhim hodisa bo'lgan holda kasallikning muhimligini tekshirishni profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.

9.Мустофақулов Б. А. Ў., Абдуллоев С. А. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 28-32.

10. Мустофақулов Б. А. Ў., Ибрагимов А. Ш. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ ВА УНГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТЎҒРИСИДА ҲАБАРДОР ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-26.

11.Мустофақулов Б. А. Ў., Сатторов Ш. Ш. КИБЕРЖИНОЯТЛАР ДОИРАСИДА СОДИР ЭТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Academic Research. – 2025. – Т. 3. – №. 4-3. – С. 106-110.

12.Мустофақулов Б. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2025. – Т. 2. – №. 1, 2-qism. – С. 64-71.